

МАЖИДОВ Омонтош  
Ўзбекистон миллий университети  
тадқиқотчиси

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ СИЁСАТИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА КРЕАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

## ДУХОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ И ТВОРЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОЛИТИКИ РАЗВИТИЯ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В ОБНОВЛЯЕМОМ УЗБЕКИСТАНЕ

## SPIRITUAL PRINCIPLES AND CREATIVE FEATURES OF CIVIL SOCIETY DEVELOPMENT POLICY IN RENEWING UZBEKISTAN

**Аннотация:** Мазкур мақолада Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш сиёсатининг маънавий тамойиллари ва креатив хусусиятлари очиб берилган. Унда маънавиятнинг бугунги кундаги долзарблиги ўрганиш баробарида фуқаролик жамиятини ривожлантириш сиёсатининг маънавий тамойиллари ҳисобланган тарихийлик ва замонавийлик, ворисийлик ва алоқадорлик, объективлик ва қонунийлик, тизимлилик ва институтлашув ҳамда инновативлик ва динамик хусусиятлари келтирилган.

**Таянч иборалар:** фуқаролик жамияти, маънавий ҳаёт, жамият тараққиёти, ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сиёсат, маънавий тамойиллар, тарихийлик ва замонавийлик, ворисийлик ва алоқадорлик, объективлик ва қонунийлик, тизимлилик ва институтлашув.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены духовные принципы и креативные особенности обновляемой политики развития гражданского общества в Узбекистане. В нем наряду с актуальным на сегодняшний день изучением духовности представлены принципы историчности и современности, преемственности и взаимосвязи, объективности и законности, системности

и институционализации, инновационности и динамичности, являющиеся духовными принципами политики развития гражданского общества.

**Ключевые слова:** гражданское общество, духовные начала, историчность и современность, преемственность и актуальность, объективность и законность, системность и институционализация.

**Annotation:** This article examines the spiritual principles and creative features of the updated policy of civil society development in Uzbekistan. Along with the current study of spirituality, it presents the principles of historicity and modernity, continuity and interconnection, objectivity and legality, system and institutionalization, innovation and dynamism, which are the spiritual principles of the development policy of civil society.

**Key words:** civil society, spiritual principles, historicity and modernity, continuity and relevance, objectivity and legality, system and institutionalization.

### КИРИШ

Инсоният тарихи, миллий давлатчилик асосларини шакллантиришда асосий омил жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, уни бугунги кун талабига мослаштириш билан алоқадор жihatларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугунги Янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш сиёсатининг маънавий тамойилларини тўғри белгиланаши бир томондан, ислохотлар самарадорлигини белгиласа иккинчидан, жамият ҳаётини барқарорлигини, колаверса ислохотлар тадрижийлигини таъминлайди. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Республикаси Президентининг “2021 — 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” фармони муҳим аҳамият касб этади. Холбуки, мазкур фармон, унинг мазмун моҳиятида белгиланганидек, “... нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш, давлат органлари ва улар ўртасида ижтимоий шерикликни кучайтириш, таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, шунингдек, ушбу соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилди. Хусусан, охириги тўрт йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг 1

270 дан ортиқ лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Давлат бюджетидан 117 миллиард сўм миқдордаги маблағлар ажратилгани”га алоҳида эътибор қаратилган [1].

### АСОСИЙ ҚИСМ

Шундай экан, жамиятшунос олимлар, мутахассислар олдида турган вазифалардан бири юқоридаги қарор асосида фуқаролик жамияти асосларни назарий жиҳатдан ривожлантириб, уни такомиллаштиришга қаратилган илмий-назарий хулосаларни ишлаб чиқишдан иборат. Аслида жараёнларни янада такомиллаштиришда, муаммони тизимли асосда тамойил ва мезонлари ҳамда амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамиятини асосларини ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маданий-маърифий, маънавий соҳалари ташкил қилган ҳолда, давлат ва жамият, сиёсат ва ахлоқ уйғунлиги маънавий негизларга тарихий меросга таянган ҳолда, халқпарвалик, ватанпарварлик, муносибатларини, одамларнинг бир-бирини қўллаб қувватлаши, ўзаро яқдиллик асосда мавжуд муаммоларни биргалашиб, ҳал қилишлари ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Табийки, тамойил кўп ҳолларда принцип ёки асос, бошланиш, келиб чиқиш (лотинча принципиум, грекча ўзгариш) – сифатида талқин қилиниб, илмий назария ва қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатлар яратиладиган, жамиятда ҳуқ-атвор нормалари танланадиган асосий омилдир. Хусусан, кундалик ҳаётда одамлар ўзларининг хатти-ҳаракатларини ёки маълум бир ижтимоий ҳодисага ёки нормага муносабатини танлашда принципларга (ёки қадриятларга) амал қилишади, масалан, гендер тенглиги принципи шахсга аёллар ва эркеклар ҳуқуқларига қандай муносабатда бўлишини белгилайди. Олимлар ва муҳандислар принциплардан атрофдаги ҳақиқатни баҳолашда ёрдам сифатида фойдаланадилар, масалан, Оккам принципи бу ҳодисани тушунтиришда жуда кўп янги ғоялар ва мавжудотларни ўз ичига олмаслиги кераклигини кўрсатади ва Мерфи тамойиллари муҳандисларни механизмдаги муҳим қисмлар сонини кўпайтирмасликни белгилайди [9].

Маълумки, маънавият (араб. маъно, маънолар мажмуаси) – моддий ҳаёт билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсон, халқ ва жамият ҳаётининг ажралмас қисми бўлган ижтимоий ҳодиса эканлигини назарда тутган ҳолда унинг инсоний ва инсонлааро муносибатларни шунчаки амалга оширишдан иборат бўлмасдан, шунчаки муаммони ечимини назарий жиҳатдан асосламасдан, унинг инновацион ва креатив асосда прагматик ечимини кўрсата бериш мушкул. Бу эса, кўп жиҳатдан маънавиятнинг моҳияти муаммосини унинг ўзига хос муаммолари билан аралаштириб юбориш билан боғлиқ. Шу кунгача бажарилган тадқиқот ишларининг аксарияти маънавиятнинг индивидуал жиҳатлари ва таркибий қисмларини пухта ўрганишга услубий ёндашишга риоя қилишади ва унинг имон, билим, ахлоқ ва бошқалар каби элементларини кўриб чиқишга эътибор беришади.

Бироқ, маънавият нима? деган саволга жавоб унинг қандай намоён бўлиши, қандай шаклларда амалга ошиши ва қандай оқибатларга олиб келиши ҳақидаги саволларга жавоблар йиғиндисидан иборат эмас. Маънавият ҳодисасининг моҳияти унданда кенг бўлиб, давлат ва жамият тараққиёти, инсон ва жамоа, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маданий жараёнларга бўлган позитив таъсир ҳамда ҳокимият ва давлат органлари фаолитидаги уйғунлик, инсонларни имкон қадар тушуна ва англай билиш кабилар билан алоқадор.

Табийки, муаммони назарий жиҳатдан, маънавий соҳанинг турли таркибий қисмларининг иерархиясини ўрнатиш ва уларни танланган «марказ» атрофида тизимлаштириш орқали ушбу муаммони ҳал қилишга уринишлар масаланинг бир томони. Иккинчидан, маънавият муаммосига мурожаат қилиш кўпинча маълум бир ижтимоий-фалсафий ёки ижтимоий-сиёсий тузилмани шу асосда ёндашиши учун унинг элементларидан бирини асосий, тизимни ташкил этувчи сифатида тасдиқлаш учун сабаб бўлади. Кўпинча маънавиятнинг билим, эътиқод, қадрият йўналишлари каби таркибий қисмлари “Марказий” деб асосланади, маънавият моделини яратиш учун асос сифатида ишлатилади, бу ерда фаолиятнинг турли соҳалари (ижодкорлик, алоқа), ижтимоий институтлар (оила, таълим, ижтимоий соҳа, дин)

ва ижтимоий онг шакллари ўртасида махсус идеал алоқалар ўрнатилади. Шу тарзда қурилган модел маънавиятнинг баъзи бир идеал турини тавсифлайди, унда индивидуал компонентлар ижтимоий-ташкилий, индивидуал-психологик, ахлоқий-меъёрий ва бошқалар жиҳатидан тавсифланади.

Маънавиятни ўрганиш уни таснифлаш нафақат горизантал ва вертикал тарзда, айти пайтда уни кенгрок маънода кўриш таказо қилади. Бу борада маънавиятнинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бериш зарур:

– жамиятдаги ижтимоий муносабатлар ва инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни тартибга солувчи талаб ва қоидалар мажмуи;

– маънавий қадриятлар, урф-одат ва анъаналар, идеаллар, эзгу ғоя ва мақсадлар тизими;

– ахлоқ, маданият, маърифат, дин ва таълим-тарбия тизимидан иборат яхлит маънавий ҳодисалар мажмуи;

– маънавий жараёнлар, инсоннинг ўзини ва ўзи яшаётган дунёни такомиллаштирувчи ижодий фаолияти ва унинг натижалари;

– инсон камолоти, унинг маънавий қиёфасининг такомиллашув даражаси, шахсий – ахлоқий хусусиятлар ва маърифий фазилатлар мажмуи;

– жамиятнинг барча соҳалари билан ўзаро алоқадор маънавий талаблар ва тамойиллар ҳамда инсон ҳаёти ва фаолиятини белгиловчи мезонлар тизими сифатида қараш мақсадга мувофиқ.

Бунда асосий омил уни нафақат бугунги кун назарий қарашлар тизимида балки, амалий ёндошувлар креативлиги уйғунлигида масалага ёндашилиши унинг тамойилларини тўғри аниқлаш ва конретлаштиришни талаб этади.

Бизнингча, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги тамойилларни, яъни маънавиятнинг *тарихийлиги ва замонавийлиги, ворисийлиги ва алоқадорлиги, объективлиги ва қонунийлиги, тизимлиги ва институтлашувлиги ҳамда инновативлик ва динамик хусусиятлиги* кабиларни келтириш ўринли:

**Биринчидан**, маънавиятнинг *тарихийлиги ва замонавийлиги* тамойилини келтириш ўринли ҳисобланиб унда 1) маънавиятнинг шаклланиши, тарихий тараққиёт жараёнида тадрижий тарзда

такомиллашуви, инсоният ҳаёти ва ижтимоий муносабатларида қарор топиб бориши ва намоён бўлиши; 2) маънавиятнинг ҳар бир давр ва шароитда ижтимоий турмуш талаб-эҳтиёжларини ўзида ифода этган ғоявий куч сифатида янгилашиб, ижтимоий тараққиётнинг кундалик талабларига мослашган ҳолда намоён бўлишини ифодаловчи тушунча эканлиги урғу берилади.

Кишилиқ жамияти тарихида маънавиятнинг замонавийлашуви “modern” дейилади. Жамият ижтимоий тараққиётида юз берувчи узлуксиз ўзгаришлар айнан маънавият билан уйғун кечиб, унинг асосий манбаи ва гаровидир. Шу маънода, маънавият инсоннинг ўзлигини англаши билан бошланган ва доимо содир бўладиган маънавий комиллик сари интилишидир. Бу ҳол ҳар бир тарихий даврда халқ ва миллатнинг ўзига хос маънавиятининг шаклланишига олиб келади. Маънавиятнинг тадрижий тараққиётини мутахассислар томонидан даврлаштиришнинг қуйидаги умумий тамойили қабул қилинган: 1. Қадимий маънавий тараққиёт. 2. Ўрта асрлар даври маънавияти. 3. Янги давр маънавияти. 4. Бугунги истиқлол давридаги маънавий жараёнлар ва ўзгаришлар бу соҳадаги замонавийликни ифодалайди.

**Иккинчидан**, маънавиятнинг такомил босқичлари шартли бўлса-да, улар орасида ўзаро *алоқадорлик ва ворисийлик* мавжудки, ҳар бир даврда маънавият кишилиқ жамияти тараққиётини таъминлашга хизмат қилган ва авлоддан авлодга энг илғор ғоя ва одат, маросимларни мерос қолдирган “Авесто” ва зардуштийлик даври қадимий одамлар маънавиятида анимизм, фетишизм, тотемизм, магия каби илк диний тасаввурларга хос жиҳатларни ўзида мужассам этади. Ҳар бир даврнинг тараққиёт босқичи ўзига хос ва замонга мос маънавий асосга эга бўлиб, унинг қадриятлари халқ оғзаки ижоди, афсона ва ривоятлари, урф-одат ва расм-русумларида ўз аксини топган маънавият шакллари тарзида намоён бўлади. Бунда инсон ва жамият, маданият ва маънавият, иқтисод ва маънавият, сиёсат ва маънавият алоқадорлигини кўрамир. Алоқадорлик маънавиятнинг яшовчанлик хусусиятидир. Ворисийлик – кишиларнинг англани хатти-ҳаракатлари, фаолияти, жамиятни ўзгартиришдаги интилишлари

натижаси сифатида бир-бирлари билан ўрнатилган алоқаларининг ифодасидир. Ворисийлик ушбу алоқалардаги барча ижобий тажрибаларни сақлаш, шу тариқа ижтимоий тараққиётни таъминлаш учун зарур [3:14].

Россиялик маданиятшунос олим Э.А.Баллернинг кўрсатишича, ворисийликнинг ижтимоий тараққиётга таъсир кучи: 1) кишилик жамиятига хос умумий қонуниятларнинг намоён бўлиши; 2) ижтимоий тузумнинг характери; 3) кишиларнинг мавжуд вазифаларни тўғри идрок этиши ва ижтимоий тажрибалардан фойдаланиши зарурияти, қонуниятларини англаши; 4) халқ орасида ижтимоий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимларнинг тарқалиши; 5) халқнинг тарихий-маданий меросини нафақат ўзлаштириш, шу билан бирга янги бойликлар яратиш мақсадида уюштиришга қодир институтларнинг мавжуд бўлишидадир [3:14]. Демак, ворисийлик кенг ижтимоий муносабатлар, уларнинг жамият тараққиётида намоён бўлиш хусусиятлари, борлиқни ўзлаштириш мақсади каби омиллар билан боғлиқдир.

*Ворисийлик ва алоқадорлик ижтимоий тараққиёт қонунларидан айрича, алоҳида кечадиган ҳодиса эмас*, у кишилик жамиятига хос қонуниятларда ўзини намоён қилади. Масалан, тоталитар тузумдан демократик тараққиётга ўтиш Ўзбекистон учун тарихий, зарурий ҳолдир. Унга мувофиқ нафақат ижтимоий-сиёсий тизим ва институтлар, шу жумладан, сиёсий онг, сиёсий-маданий кадриятлар, кишилар дунёқараши, мафкураси, маънавияти ҳам ўзгариши зарур.

*Учинчидан*, маънавиятнинг объективлиги ва қонунийлиги тамойили жараёнларни бўямасдан хаспўшламасдан, қандай бўлса шундайлигича, ҳолисона кўриш ўрганиш талқин қилиш ва керак бўлса назорат қилиш каби жиҳатларни ўз ичига олади. Шаффофлик қонунийликни тақазо этади. Бу шуни англатадики, ҳеч бир жараён ўз-ўзича ривожланмайди, у бир тоямондан қоунуий асосга эга бўлиши, иккинчидан қонун устуворлиги, яъни маънавият ва маънавиятни амалда ифодаланиши фуқаролик жамияти ривожини билан узвий алоқадор. Қонун устуворлигини таъминлаш демократик жамиятни шакллантиришнинг асосий вазифаси

бўлиб ҳисобланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, аввало қонунлар фуқароларнинг бевосита ёки билвосита иштироки билан ишлаб чиқилади, уларнинг хоҳиш ва иродасини ўзида акс эттиради. Аммо кўпгина қабул қилинган қонунлар реал ҳаётга жорий қилинмасдан қоғозда қолиб кетади. Сабаби, биринчидан, қонунни қабул қилиш давридаги жамият тараққиёти даражаси билан уни амалга ошириш имконияти ўртасидаги номуносивбликнинг мавжудлиги. Иккинчидан, қонунларни яратишдаги маҳорат ва салоҳиятнинг (профессионализм) етишмаслигидир. Учинчидан, фуқароларнинг ҳам қонунлардан тўла фойдаланишга салоҳияти етарли даражада бўлмаслиги. Аммо, нима бўлганда ҳам қабул қилинган қонунларга амал қилиш ҳаётий зарурият ҳисобланади. Чунки, у нафақат, ҳуқуқлар тизими билан, шунингдек мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ҳаёти билан боғлиқдир. Уларни ўзида ифодалаган қонунларнинг “ишонмаслиги” ёки поймол қилиниши мавжуд экан, жамият ҳаётида ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди.

Мамлакат ва фуқаролар манфаатларининг уйғун ҳолатда амалга оширувнинг асосий механизми қонунлар олдида оддий фуқародан тортиб энг юқори лавозимни эгаллаб турган амалдорларга баробарлиги, уларнинг қонунларга сўзсиз итоат қилиши ҳисобланади. Бу тамойилни шакллантириш Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг асосий вазифаси сифатида қаралмоқда. Қонун устуворлигига ҳилоф иш қилиш ва унга менсимай қараш, мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг оёқ ости қилиниши, улардан ғарзли мақсадларда фойдаланиш қонунларни обрўсизлантиради, давлат ва жамиятнинг маънавий асосларига путур етказади, халқнинг норозилигига, ҳаққоний эътирозларига сабаб бўлади. Айниқса, фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилиши ёки риоя этилмаслиги фуқаро – давлат муносабатларининг бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат қоидаларининг ҳолатини белгилаб беради.

*Тўртинчидан*, маънавиятнинг тизимлилиги ва институтлашувлиги тамойили. Бунга асосан маънавиятнинг таркибий қосми, ўзаро бир бутун тизим сифатида қаралиши, ундаги

ҳар бир унсур маълум бир мақсад ва вазифага йўналтирилган бўлиб, бутун бир тизимни ташкил этади. “Тизим” тушунчаси ўз моҳиятига кўра, иерархик жараён, чунки у турфа (содда ва мураккаб, ички ва ташқи ва ҳақозо) тизим ҳақида тушунчаларнинг худди тизимнинг ташқи муҳит билан ўзаро ҳамкорлигини ифодаладиган, йирикрок тизимнинг айрим қисми, ўзининг баъзи яхлитлиги ва шахсий бўлакчалари йиғиндисини кўзлайди [6:84-85]. Тизимлилик ва институтционаллик тамойили орқали маънавий жараённи ўрганиш ва таҳлилни амалга ошириш бунёдкор, мушоҳадали ва ижодкор инсон томонидан амалга оширилиши натижасида шахс, жамият ва давлат ҳаёти билан боғлиқ бўлган масалалар ўрганилади, бундан шахс ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаатдордир. Агар уларнинг ҳар бирини алоҳида тизим сифатида ўрганмоқчи бўлса, бунда жамият катта тизим тарзида иштирок этади. Бу ўз навбатида, тизим методологиясидан хабардор бўлишни тақозо этади. Маънавий соҳаларни ўзаро алоқадорликда институтционал ҳамда тизимлилик асосида жараёнларни илмий ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти, уларни функционал ва структуравийлиги жиҳатидан алоҳида хоссаларини алоқадорлигининг даражаси асосида таснифлашдан иборат. Назарий нуқтаи-назар бўйича тизимларнинг хоссавий алоқадорлигини аниқ белгиларига мувофиқ таснифлаш мумкин.

**Бешинчидан,** маънавиятнинг инновативлик ва динамик хусусияти тамойили айнан креативлик билан алоқадор бўлиб, маънавият такомиллига ижодкорлик билан янгича ғоя ва технология асосида, тизимнинг мудом илгарига, ривожланиб такомиллашиб боришини кўрсатади. *Инновация* – фойдаланиш учун киритилган янги ёки сезиларли даражада яхшилланган маҳсулот (товар, хизмат) ёки жараён, сотувларнинг янгича услуби ёки иш амалиётидаги, иш ўринларини ташкил этишдаги ва ташқи алоқаларни ўрнатишдаги янги ташкилий услуб ҳисобланади.

“Инновация” атамаси латинча “novatio” сўзидан олинган бўлиб, “янгилаш” (ёки “ўзгариш”), “in” қўшимчаси эса латинчадан “йўналишида” деб таржима қилинади, агар буни яхлит “Innovatio” кўринишида таржима қилсак – “ўзгаришлар йўналишида” деб изоҳланади

[7]. *Innovation* тушунчаси биринчи бўлиб XIX-асрнинг илмий тадқиқотларида пайдо бўлди.

## ХУЛОСА

Умуман олганда, янгиланаётган Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантириш сиёсатининг маънавий тамойиллари ва креатив хусусиятлари мунтазам ривожланиб, такомиллашиб борадиган жараён бўлгани боис, уни давр ва жараёнлар уйғунлигида, шунингдек, ижтимоий-гуманитар фанлар интергацияси орқали ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мазкур тамойилларни такомиллаштириш бугунги кунда янгиланаётган Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси сифатида қаралаётгани фуқароларнинг давлат тузилмалари билан муносабатлари жараёнида қонунларга риоя этилишига ҳамда фуқаро – давлат муносабатларининг бутун бир тизимдаги ижтимоий адолат мезонларига асосланганлигидан далолат беради.

## Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 04 апрелдаги ПФ-6181-сон “2021 – 2025 йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5319756>
2. Ахлоқ-одоб ҳақидаги ҳадислар. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 1992.
3. Баллер Э.А. Социальный прогресс и культурное наследие. – М.: Наука, 1987.
4. Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2004. – 457 б.
5. Очилдиев А. Глобаллашув ва мафкуравий жараёнлар. / Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази. – Т.: Мухаррир, 2009. – 96 б.
6. Самаров Р. Хавфсизликнинг методологик асослари / монография. – Тошкент: Akademiya, 2010.
7. <https://www.terabayt.uz/post/innovatsiya-tushunchasi-haqida>
8. <https://ru.wikipedia.org/wiki>